

# Ўзбекистон карлар жамияти а'золарига байрам тадбири ташкил этилди



Ўзбекистон карлар жамияти ташкил топганлигининг 95 йиллиги муносабати билан Қумқўрғон туманида “Жаннат боғи” шиори остида байрам тадбири бўлиб ўтди.

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон карлар жамияти президенти Гўзал Шодиева, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг Сурхондарё вилояти бошқармаси бошлиғи Муҳиддин Тоғаев, туман ҳокимининг ўринбосари Нормўмин Алланазаров ва Сурхондарё вилоятининг барча туманларидан 670 нафар карлар жамияти аъзолари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимизда ногиронлиги бо'лган фуқароларни ижтимоий қо'ллаб-қувватлаш, уларнинг турмуш шароитини яхшилаш масаласига алоҳида э'тибор қаратилаётгани, давлатимиз раҳбарининг ғамхўрлиги меҳрга, э'тиборга муҳтож инсонлар ҳаётида жуда катта о'згариш бо'лганини та'кидлашди.

Тадбир сўнгида байрам муносабти билан барча карлар жамияти аъзоларига эсталик совғалари топширилди.